

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Хива шаҳри«18» сентябрь 2022й

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Хива туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан низом асосида иш юритувчи, рахбари А.Матмуротов бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **Xiva Soyot Savdo MCHJ** номидан низом асосида иш юритувчи рахбари \_\_\_\_\_ иккинчи томондан **ХИВА ТУМАНИ БУСТОН МАХАЛЛАСИГА ПИЕДАЛАР ЙУЛАКЧАСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ - 0,723 КМ** ни жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;

**-иждо хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

**-курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб қуйилади;

**-вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **ХИВА ТУМАНИ БУСТОН МАХАЛЛАСИГА ПИЕДАЛАР ЙУЛАКЧАСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ - 0,723 КМ** кузда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда **160 500 000 (Бир юз олтинчи миллион беш юз минг) сўмини 15% ҚҚС** билан ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- курилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида наза тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда иш Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
- курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;
- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;
- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;
- курилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;
- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;
- курилиш майдони курикланишини таъминлаш;
- курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим қилади.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярқли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;
  - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
  - Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
  - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
  - Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Ҳазначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтказилгандан кейин юридик кучга қиради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

15. Объектни 2022 йил «31» октябрда фойдаланишга топширилиши белгиланади.

#### VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% микдорида аванс утказади, бу 48 150 000 (Қирқ саккиз миллион бир юз эллик минг) сумни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблаглар уч банка қунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-илвалар)

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган холда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб ракамга тушадиган маблаглар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошқа харажатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнанинг охиригича ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома хисоб-варақ-фактурани» узи тузиб такдим қилади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варақ-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

#### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

24. Буюртмачи курилиш майдонида уз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утқизиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқиқиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширсан, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласан жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласан, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва курилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмасан, Пудратчи уларни тузатишнинг қечииқиши оқибатида етқазилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утқазилган синовлар, материаллар уз вақтида етқазиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан қикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) ақс еттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмасан, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҚОЛАТЛАРИ.**

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қиксан ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этсан, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилсан, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом еттириш ёки уларни қонсервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳоқам қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекилишини талаб килишга ҳақлидир.

### XI. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи: - барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; - лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;  
- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;  
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;  
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.  
Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.  
Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

### XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга қиргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан қу вақтга қечиктирилганда;  
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қурайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;  
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда;  
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекоР қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қурилганда;  
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;  
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекоР қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекоР қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

38. Мазкур шартномани бекоР қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-қоидаларига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекоР қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекоР қилинишига йул қурилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Қуқуқолик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Қуқуқлик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-қуқуқий базаси тугрисида» ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси ВазиРлар мақамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қулидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома буйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш қузда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тулайди;

- буюртмачининг хисоб ракамига максадли молиялаштириш учун тушган пул маблагларини уч банка кунда сабабсиз пудратчининг хисоб ракамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;

- шартномага муофик ишларни бажариш жадвали буйича бажарилган ишлар хажмини асоссиз равишда кабул килиб тасдиклашдан бош тортгани учун ушбу кабул килиш, тасдиклашдан бош тортган сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;

- шартнома шартларига муофик тайёр холда кабул килиш учун такдим килинган объектни асоссиз равишда кабул килишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

43. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида куйидаги холларда мулкый жавобгар булади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам хажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан хар кечиктирилган кун учун 0.5% микдорда пеня тулайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан хисобот оийнинг охирги кунига кадар тасдиклатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тулайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр холда фойдаланишга топширмаса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик булмаган) муддатда бартараф килмаса ушбу аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тулайди.

44. Агарда томонлардан бири уз реквизицларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон ракамларини, корхона атамаси ёки макомини нотугри берса ва узгарганлиги тугрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома бахосининг 0,1% микдорида жарима тулайди.

45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор килишга тугри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни коплайди, амалдаги конунларда белгиланган тартибда.

46. Тамонларнинг мулкый жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 30% ошмаслиги керак.

47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкый талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича акцептсиз амалга оширишга хаклидир.

#### **XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

48. Шартномани бажаришда ва бекор килишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар конун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат килишлари мумкин.

#### **XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва огзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

50. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи тамонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмаиди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.

52. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

53. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечиктиришга хаклидир.

54. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса кайта куриб чикилади.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.
56. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначиликда руйхатдан утгандан кейин юридик кучга кириши ва бу шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.
57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб 3 нусхада тузилди.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

### ПУДРАТЧИ:

#### Xiva Soyot Savdo MCHJ

Манзили: Хива шаҳар Буюк йўл кўчаси

Тел/факс: \_\_\_\_\_

х/в: 20208 000 204 445 631 001

Банк номи: ТИФ Миллий банк Хоразм филиали

МФО: 00547 СТИР: 205 930 654

ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Рахбар *У. Мағириев*  
(Ф.И.Ш)



### БУЮРТМАЧИ:

Хива туман Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Хива туман Шомохулум маҳалласи

Тел/факс: \_\_\_\_\_

х/в 100022860332267065200110010

бюджетдан маблағ олувчи СТИР и 206 943 881

ОКОНХ \_\_\_\_\_

Ғазначилик булимаси номи: Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент шаҳри

МФО 00014

Ғазначилик булимаси СТИР и 201 122 919

Рахбар А.Матмуротов  
(Ф.И.Ш)




**YURIDIK AHAMIYATGA EGA Hujjatlarning Qonun  
HujjatlariGA MUVOFIQLIGI TO'G' RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

FN4002078328

1. Leyiha<sup>ning</sup> turi : Shartnoma
2. Leyiha<sup>ning</sup> nomi: Padrat shartnomasi
3. Leyiha ishlab chiqar<sup>chisi</sup> va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: XIVA TUMANI OBODONLASHITIRISH BOSHQARMASI tomonidan 18.10.2022 yilda kiritilgan

Leyiha asaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadiga muvofiq.

Xiva tumani yuridik  
markazi  
bosh yuridik kassasida:



D.B. Mubharipov

18.10.2022